# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 11 февраль, № 29 (5959) Сешанба


## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ СОЧИГА ТАШРИФИ ҲАҚИДА

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 7 февраль куни Сочи шаҳрида XXII қишки Олимпия ўйинларининг очилиш маросимида иштирок этди.**

Ўзбекистон Президентини "Адлер" аэропортида Сочи шаҳри раҳбарияти ва Халқаро Олимпия қўмитаси вакиллари кутиб олди.

Давлатимиз раҳбари шу куни мазкур улкан халқаро спорт байрами учун махсус барпо этилган Олимпия шаҳарчаси мажмуасидаги "Фишт" стадионида бўлиб ўтган Олимпия ўйинларининг расмий очилиш маросимида иштирок этди.

Ушбу ажойиб ва гўзал тадбир Олимпиада иштирокчилари ва меҳмонлари учун, ҳеч шубҳасиз, асосий воқеа бўлди. Бош постановкачи, тажрибали продюсер К. Эрнст раҳбарлигида тайёрланган мазкур маросим миқёсининг кенглиги ва ноёб техник ечими билан стадиондаги барча томошабинларга катта завқ бағишлади, уларда унутилмас таассурот қолдирди.

Бутун дунёдан келган спорт мухлислари тўрт йилликнинг асосий қишки мусобақаларида иштирок этаётган мамлакатлар жамоаларини самимий қутлади.

Россиянинг машҳур спортчилари иштирокида Олимпия машъаласининг ёқилиши маросимнинг энг ёрқин дамлари бўлди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Сочига ташрифи доирасида Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов билан амалий учрашув ўтказди. Анъанавий дўстлик ва очиқлик руҳида ўтган суҳбат давомида томонлар кенг кўламли ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати, Ўзбекистон Президентининг Туркманистонга бўлажак расмий ташрифи хусусида фикр алмашдилар.

Сочидаги тадбирлар давомида Ўзбекистон Президентининг Туркия Республикаси Бош вазири Ражаб Таййиб Эрдўғон билан қисқа учрашуви ҳам бўлиб ўтди. Икки мамлакат раҳбарлари ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатини муҳокама қилиб, ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш лозимлигини таъкидладилар. Шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳақида ҳам фикр алмашилди. Учрашув самимий ва дўстона руҳда ўтди.

**(ЎзА).**

# АДАБИЁТИМИЗНИНГ ТЕНГСИЗ НАМОЯНДАСИ

*Истиқлол йилларида мамлакатимизда улуғ бобокалонимиз Мир Алишер Навоий шахсияти, бой илмий-маънавий меросига бўлган эъзозу эҳтиром юксак даражага кўтарилди. Юртимизда Алишер Навоий номи билан аталувчи вилоят, ўнлаб маданий-маърифий муассасалар, ташкилотлар бор. Президентимиз ташаббуси билан 1991 йилнинг "Навоий йили" деб аталиши, пойтахтимизда қад ростлаган бобокалонимиз номидаги муҳташам боғ ана шу улкан эътиборнинг ёрқин ифодасидир.*

*Шу кунларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда мутафаккир шоир Алишер Навоий таваллудининг 573 йиллигига бағишланган адабий кечалар, илмий анжуманлар, мушоиралар давом этмоқда.*

ЭҲТИРОМ



Анъанага кўра, 9 февраль куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида шоир таваллуд топган кун муносабати билан тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, ижодий уюшмалар мутасаддилари, маънавият тарғиботчилари, ўқитувчилар, маҳалла фаоллари, талаба-ёшлар қатнашган анжуманда сўзга чиққан Ёзувчилар уюшмаси раиси М. Аҳмедов, навоийшунос олим, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доценти Г. Одилова, шоир Нодир Жонузоқ ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида буюк аждодларимизнинг умрбоқий илмий-маърифий меросини ўрганиш борасида олиб борилаётган эзгу саъй-ҳаракатларни алоҳида эътироф этдилар.

(Давоми 2-бетда).



# Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она

*Барча яхшиликлар боламга бўлсин, иқболи сарбаланд, муҳими, тўрт мучаси соғ бўлсин, деб яшайдиган халқмиз. Ҳар биримизга хос ана шу тилаклар бугун давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилиб, бу йўналишда дунё ҳамжамияти эътирофи ва қизиқишига сабаб бўлаётган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.*

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, биз соғлом деганда, нафақат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан ҳам соғлом болани ўзимизга тасаввур этамиз.

Ана шу ҳаётий ҳақиқатдан келиб чиқиб, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан муайян ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, фуқаролар йиғинларида маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссиялар ташкил этилди. Улар фаолиятини самарали йўлга қўйиш мақсадида Фонднинг ҳудудий тузилмалари томонидан услубий ва амалий кўмаклашиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, 6 мингдан ортиқ маҳаллада "Маънавият хоналари" фаолият юритмоқда. Яна бир аҳамиятли жиҳати, бугун аксарият маънавий-маърифий тадбирлар умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейларнинг ўзида ўтказилаётир. Бу амалда кутилган натижани бераяпти.

— Ёшлар тарбиясида, албатта, кино ва театрнинг катта ўрни бор. Зеро, миллий маданиятимизнинг узвий қисми бўлган кино ва театр санъатининг инсон онги ва тафаккури, жамият ҳаётига таъсири беқиёсдир, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви бош мутахассиси Наргиза Қаюмова. — Шу боис Фонднинг ҳудудий тузилмалари ва ҳамкор ташкилотлар томонидан ёшларни кинотеатрларга жалб этиш изчил йўлга қўйилган. Хусусан, ўтган йилда биргина Тошкент шаҳри ва вилояти маҳалла фуқаролар йиғинларидаги 7 мингга яқин ёшлар пойтахтимиздаги театрларда бўлиб, инсонни маънавий камолотга етаклайдиган саҳна асарларидан баҳраманд бўлди. Бундай хайрли ишлар нафақат шаҳарлар, балки олис қишлоқлар маҳаллаларида ҳам амалга оширилмоқда. Натижада болажонлар туман ва вилоят марказларига бориб, саҳна ва кино асарларини томоша қилиш асносида маънавий оламини бойитмоқда.

"Ўзбекфильм" киностудияси томонидан суратга олинган "Виждон" бадиий фильми ҳам фуқаролар йиғинлари фаоллари ва ёшларнинг катта қизиқишига сабаб бўлганини айтиш зарур. Мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ва унинг натижалари ҳақида ҳикоя қилувчи мазкур асар ҳозирги пайтда республикамиз бўйлаб намойиш этилмоқда. Албатта, ушбу фильм ёшларимизни она-Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимизга ҳурмат ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда ўзига хос аҳамият касб этади.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН — ҲИНДИСТОН БИЗНЕС-ФОРУМИ

*Пойтахтимизда 10 февраль куни Ўзбекистон ва Ҳиндистон ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.*

ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва Ҳиндистон Фармацевтика маҳсулотлари экспортини ривожлантириш кенгаши томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда икки мамлакатнинг фармацевтика соҳаси учун масъул ташкилотлари, компания ва концернлари раҳбарлари қатнашди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ташқи иқтисодий алоқалар бошқармаси бошлиғи Дилшод Расулов Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик, сармояларни ҳимоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама солиқдан қочишга оид битимлар амал қилади. Ўзаро савдода энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий этилган.

(Давоми 2-бетда).

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

*Жойларда бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари муҳокамасига бағишлаб ўтказилган мажлисида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган долзарб вазифалар қизғин таҳлил қилинди. Бу ҳақда мухбирларимиз хабар беради.*

# Ислоҳот, самарадорлик, таҳлил

ХОРАЗМ

Вилоят фаоллар йиғилишида 2013 йилда вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ижобий натижаларга эришилгани қайд этилди. Хусусан, вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот 9,1 фоиз, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 11,8, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 8,7, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,4, капитал қўйилмалар 36, қурилиш ишлари 16,5, чакана савдо айланмаси 12, жами хизматлар 21,1 фоиз ўсди.

Ҳисобот даврида вилоятни 2013 — 2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига асосан, жами 147 миллион доллар миқдорида маблағ ўзлаштирилиб, 1576 лойиҳа амалга оширилгани эътироф этилди. Бунинг натижасида 10,4 мингта янги иш ўрни яратилди. Саноат соҳасида 57 миллион доллар миқдорида маблағ ўзлаштирилиб, 325 лойиҳа амалга оширилди. 4471 янги иш ўрни ташкил қилинди.

(Давоми 2-бетда).

**Банк тизими:**

# ЭЪТИРОФ ВА ИШОНЧ

***Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ, мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, хусусан, банк тизими томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган амалий саъй-ҳаракатлар уларнинг фаолиятини кенгайтириш баробарида, иқтисодиётнинг барча тармоқларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.***

ЖАРАЁН

Президентимизнинг 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида алоҳида таъкидланганидек, ўтган йили иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредитларнинг ялпи ҳажми 30 фоиз ошгани, айниқса, банк хизматларидан фойдаланиш даражаси ортиб, юртимизда ҳар юз минг катта ёшдаги аҳолига 49,7 та банк муассасаси тўғри келаётгани, улар томонидан ҳар минг киши номига 1 минг 28 та ҳисоб рақами очилгани, бу эса — халқаро нормалар бўйича "юқори" деган баҳо кўрсаткичига мос эканлиги ана шундан далолат беради.

Бундай ютуқлар, албатта, дунёдаги етакчи халқаро рейтинг агентликлари эътирофига сазовор бўлиш билан бирга, юртдошларимизнинг тижорат банкларига ишончи тобора мустаҳкамланаётганини яққол намоён қилмоқда.

(Давоми 3-бетда).






# Истеъдод ва маҳорат танлови

*Кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида журналистика соҳасида "Олтин қалам" IX Миллий мукофоти учун халқаро танловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг йиғилиши бўлиб ўтди.*

«ОЛТИН ҚАЛАМ — 2014»

Унда тегишли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази томонидан бир қатор вазирлик ва ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган мазкур танловдан кўзланган асосий мақсад миллий ва халқаро журналистика ютуқларини оммалаштириш, ОАВ ходимларининг фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш, журналистларда танқидий фикрлаш ҳамда ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантиришдан иборатдир.

(Давоми 2-бетда).

# АДАБИЁТИМИЗНИНГ ТЕНГСИЗ НАМОЯНДАСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Маълумки, "Хамса" нафақат XV аср маданий ҳаётининг, балки бутун бир миллатнинг маънавий қомуси ҳамдир. Унинг таркибига кирган "Ҳайрат ул-аброр" достонини ўқир эканмиз, яхшиларнинг хайрати ўзига хос бир мақом ("аброр") даражасига кўтарилганини, "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун"-ларни мутолаа қилганда эса шоирнинг ўз ҳолатини англатганлигини тушунамиз. "Сабъаи сайёр" достонининг завқ-шавқи етти иқлимдан келган етти мусофирнинг етти кечада айтган ҳикоялари ҳодисотида эмас, балки бу еттиликлар шаклида баён этилган қиссага камалакдаги етти ранг, мумтоз фалсафадаги етти мақом, мусиқадаги етти оҳанг жам бўлгани учун ҳам улар бетакрор мусиқа каби янграйди. "Садди Искандарий"да етук бир жамият, обод Ватан орзуси баён қилинган. Бинобарин, ҳозирги глобаллашув даврида Алишер Навоийнинг инсоний баркамоллик, одоб-ахлоқ, беғубор ва покиза туйғулар улуғланган асарлари ҳар қачонгидан ҳам долзарблик касб этмоқда. Шу боис улуғ шоирнинг ижод намуналари жаҳон халқларининг кўплаб тилларига таржима қилиниб, олимлар, кенг жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Польша Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Мариан Пшесьдзецки Алишер Навоий асарларида тараннум этилган, инсониятни эзгуликка ундовчи ғоялар умрбоқийлиги туфайли бутун башариятнинг маънавий хазинасига айланганини таъкидлади. Шоирнинг ғазаллар тўплами яқинда польшалик мутахассислар томонидан илк марта поляк тилига ўгирилиб, алоҳида китоб ҳолида тақдим этилгани бунинг яққол намунасидир.

Ҳазрат Алишер Навоий ғазалларидан бирида шундай мисралар бор:

*...Даҳр боғи гуллари ҳуснин*
*вафосиз эрканин,*
*Юзи гул, жисми суман,*
*кўйи гулистонимға айт.*

*Эй Навоий, ҳеч гулшаннинг*
*сенингдек хушнаво*
*Булбули йўқ эрканин*
*шоҳи суханданимға айт.*

Дарҳақиқат, буюк бобокалонимизнинг сермаҳсул ижоди нафақат Шарқ мамлакатларида, шу билан бирга, халқаро миқёсда ҳам тан олиниб, эътироф этилган. Шунинг учун бўлса керак, хорижлик навоийшунослар ҳам бобокалонимизнинг шахсияти, салоҳияти хусусида фикр юритганда, баайни юқорида келтирилган сатрларда айтилганидек, ул зотнинг сўз мулкида беназир эканлигини таъкидлайди.

Тадбирда "Фарҳод ва Ширин" достонидан парчалар, Навоий ғазаллари билан айтилувчи қўшиқлар ижро этилди. Шоир ғазалларини Тошкент давлат шарқшунослик институти талабалари инглиз, немис, француз, япон, корейс тилларида ўқиб беришди.

Иштирокчилар Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икромов, Тошкент шаҳар ҳокими Р. Усмонов иштирок этди.

* * *

Шу куни пойтахтимиздаги Шоирлар хиёбонида Алишер Навоий ижодига бағишланган мушоира бўлиб ўтди.

**М. ЎРОҚОВ.**

Ҳ. ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# Ислоҳот, самарадорлик, таҳлил

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳудудда ишбилармонлик муҳитини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар самарасида 1058 кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти йўлга қўйилди. Айниқса, вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотида кичик бизнес улуши 73,8 фоизга етгани эътиборга молик.

Йиғилишда ҳудудий бандлик дастурига асосан ўтган йили 60,5 мингта янги иш жойи ташкил этилгани айтиб ўтилди. Ушбу янги иш ўринларининг 25,6 мингтасига касб-ҳунар коллежлари битирувчилари қабул қилинди.

Вилоятда саноат салоҳиятини ошириш, хорижий инвестиция лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, Маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларда йўл қўйилган камчиликлар танқид қилинди. Мавжуд нуқсонларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов сўзга чиқди.

**СУРХОНДАРЁ**

Фаоллар йиғилишида қайд этилганидек, 2013 йилда вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми ўсиши 109,5 фоизни ташкил қилди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 110 фоизни, капитал қўйилмалар ҳажми 123, пудрат ишлари ҳажми 114,7, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 106,5, пуллик хизматлар 118,5, чакана савдо айланмаси 117,2 фоизга етди.

Вилоятни 2013 — 2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига асосан, ўтган йили умумий қиймати 121,8 миллион долларга тенг бўлган 1432 истиқболли лойиҳа амалга оширилиб, 17 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Ҳисобот даврида воҳада қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Соҳада 18,8 миллион доллар маблағ ҳисобидан 434 лойиҳа рўёбга чиқарилиб, 3324 иш ўрни ташкил этилди.

Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 323,6 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди, 1279 кичик бизнес субъекти ўз фаолиятини бошлади. Вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 74,1 фоизни ташкил этди. Ўтган йили 66 минг 518 янги иш ўрни, шундан 37 минг 500 таси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан яратилди.

Йиғилишда эришилган ютуқлар билан бир қаторда, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар ҳам муҳокама қилинди. Хусусан, рўйхатдан ўтиб, фаолият кўрсатмаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари мавжудлиги ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш борасида муаммолар борлиги таъкидланиб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икромов иштирок этди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

*■ Фармацевтикага оид бир қатор маҳсулотлар ёрлиқларидаги "Дентафилплюс" хусусий корхонасида ишлаб чиқарилган" деган ёзувни ўқиганлар, албатта, корхона ҳақида ҳам билишни истайди.*

### Юз турдаги маҳсулот

Зангиота туманидаги мазкур корхонада дори-дармон ва косметика маҳсулотларининг 100 турдан ортиғи тайёрланмоқда. Бундан сал аввалроқ бу ерда болаларга мўлжалланган субазиторик шамчали ҳамда суспензияли малҳамлар ҳам тайёрланган бўлса, яқиндан бошлаб корхонада бир марталик медицина қўлқопларини ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Ҳозир замонавий технологик линиялар билан жиҳозланган қўшимча цех йилига 12 миллион жуфт ана шундай тиббий воситалар тайёрлаш қувватига эга.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Тиббиётда қўлланилади

*■ "Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади", деган нақл бежиз айтилмаган. Тахиатош шаҳридаги "Боборажаб хайрия савдо" масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари ҳам ана шу нақлни ўзларига шиор қилиб олишган.*

— Тиббиётда кенг қўлланиладиган кислород баллонлари ишлаб чиқараяпмиз, — дейди корхона иш бошқарувчиси Аҳмаджон Утемуратов. — Маълумки, атмосферада 23 фоизгача кислород мавжуд. Махсус технологияларимиз орқали уни кучли босим остида баллонларга жойлаяпмиз. Ишлаб чиқараётган маҳсулотимиз пайвандловчи усталар фаолиятида ҳам қўл келаяпти. Мазкур лойиҳа рўёби учун 300 миллион сўм йўналтирдик.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Илғор тажриба — амалиётга

*■ Боёвут туманидаги "Ҳақберди самараси" фермер хўжалиги аъзолари янги йўналишдаги фаолиятини қорамоллар парваришидан бошлашди.*

Гап шундаки, банкнинг молиявий кўмаги эвазига хориждан келтирилган 100 бош "Қизил-ола" зотли бузоқлар вояга етиш мобайнида иқлимга тўлиқ мослашиб олади. Шу боис 110 бошга мўлжалланган ферма биносини бунёд этишда замонавий чорвачилик тажрибаларидан фойдаланишга алоҳида эътибор берилди.

— Келгусида гўшт етиштириш баробарида, зотли қорамоллар етказиб беришни ҳам жам мақсад қилганмиз, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Шукуржон Раҳмонбердиев. — Шунингдек, сутни қайта ишлаш тармоғини ҳам ташкил этмоқчимиз.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Сифати билан манзур

*■ Иншоот мустаҳкамлиги кўп жиҳатдан қурилиш ашёларининг сифатига боғлиқ. Сариосиё туманидаги "Гранд Шифер Шарғун" масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган деворбоп материаллар айни шу жиҳати билан харидорларга манзур бўлаётир.*

Мазкур корхонада 250 минг АҚШ долларилик илғор технологик линия ишга туширилди. Пировардида 20 та қўшимча иш ўрни яратилди.

— Маҳсулотларимизнинг таннархи ҳам арзонга тушмоқда, — дейди тадбиркор Жамшид Ҳамроев. — Сабаби, айланма печларимиз турдошларига нисбатан бир қатор афзалликларга эга. Хусусан, қўл меҳнати кам, шу билан бирга, энергия сарфи ҳам оз.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жойларда мунтазам ўтказилаётган турли тадбирлар ҳам ўғил-қизларни зарарли иллатлар таъсиридан ҳимоялашда муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, "Камолот" ЁИҲ Марказий Кенгашининг маҳаллаларда барқарор маънавий-ахлоқий муҳитни таъминлаш ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга оид қўшма қарори ана шу мақсадларга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Мазкур қарор асосида ўтган йили маҳаллаларда 22 мингдан ортиқ турли маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ва мулоқотлар ўтказилди. Уларда бир миллионга яқин аҳоли, шу жумладан, ёшлар қамраб олингани ҳам бу тадбирларнинг ёшлар тарбиясида нечоғли ўрин тутаётганидан дарак беради. Шунга уйғун ҳолда ёшларни узлуксиз мажбурий таълимга жалб этиш, эрта никоҳнинг олдини олиш, турли ёт оқимларга қарши курашишда маънавий иммунитетни шакллантириш каби мавзулардаги акция ва учрашувлар соғлом авлод тарбиясида айни муддао бўлаётир.



— Маҳалламизда ёшлар билан ишлаш яхши йўлга қўйилган, — дейди Зангиота туманидаги "Чоштепа" ҚФЙга қарашли "Иқбол" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ёқутхон Мўминова. — Ҳудудда 900 га яқин ўғил-қизлар бўлиб, уларнинг барчаси спорт, фан, ҳунармандчилик тўгаракларига қамраб олинган. Маънавий, тарбиявий мавзуларда ўтказилаётган учрашувлар хусусида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Жумладан, 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан уюштирилган учрашувда 12 нафар ҳарбий иштирок этди. Бу биз кутгандан ҳам яхши натижа берди. Гап шундаки, учрашувдан кейин маҳалламиз болалари орасида ҳарбийликка қизиқиш ва ҳурмат туйғуси янада ошди.

Юртимиз бўйлаб ҳар йили ўтказиб келинаётган "Маҳалла куни" тадбирларининг ёшлар тарбиясидаги ўрни жуда катта. Ўтган йили бундай тадбирлар 8 мингта фуқаролар йиғинида уюштирилиб, уларда 750 мингдан ортиқ ёшлар қамраб олинди.

Айтиш жоизки, соғлом авлод тарбияси билан боғлиқ ишлар кўламини кенгайтириш, самарадорлигини оширишда Фонд ҳамда ҳамкор ташкилотлар томонидан анъанавий ўтказиб келинаётган турли кўрик-танловлар муҳим омил бўлмоқда. Буни "Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси" кўрик-танлови мисолида яққол кўриш мумкин. Чунончи, кўрикнинг ўтган йилги ғолиби, Шаҳрисабз туманидаги "Шаматон" қишлоқ фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси О. Жабборованинг бу борадаги бой тажрибаси бугун кўплаб маҳаллаларимиз амалиётига татбиқ этилмоқда.

Умуман, соғлом авлодни камолга етказишда давлат ва жамоат ташкилотлари ижтимоий ҳамкорликда иш кўрмоқдалар. Зеро, "Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она" ҳикмати амалда ўз исботини топмоқда.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Истеъдод ва маҳорат танлови

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таъкидланганидек, танловнинг нуфузи ва кўлами йилдан-йилга ошиб бормоқда. Жумладан, 2006 йилда ўтказилган "Олтин қалам" I Миллий мукофоти учун танловда 136 нафар журналист 1669 ижодий иши билан қатнашган бўлса, 2013 йилда бўлиб ўтган "Олтин қалам" VIII Миллий мукофоти учун халқаро танловида 410 дан зиёд ижодкор 6400 дан зиёд материал билан иштирок этди.

Телевидение, радио, матбуот ва интернет журналистика йўналишлари бўйича ўтказилаётган халқаро танловда, шунингдек, битта бош миллий мукофот ва ҳар бир номинация бўйича учтадан мукофот тақдим қилинади.

Тадбирда "Олтин қалам" IX Миллий мукофоти учун халқаро танловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ташкилий кўмита иш режаси хусусида ҳам ахборот берилди. Айни чоғда жорий йилги танловнинг олдингиларидан фарқли жиҳатлари тўғрисида сўз юритилди. Хусусан, бу йилги танлов доирасида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан махсус рағбатлантирувчи мукофотлар таъсис этилгани маълум қилинди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОН — ҲИНДИСТОН БИЗНЕС-ФОРУМИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Ҳиндистонга қурилиш материаллари, рангли металлар, пахта ва кўнчилик хом ашёси, озиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматлар экспорт қилади. Ҳиндистондан Ўзбекистонга фармацевтика маҳсулотлари, механик ва электрон ускуналар, оптик асбоблар, пластмасса ва пластмассадан тайёрланган маҳсулотлар импорт қилинади. 2013 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 242 миллион АҚШ долларидан ошди.

Ўзбекистонда ҳинд тадбиркорлари сармояси иштирокида тузилган олтмиш бешта қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар тўқимачилик, кўнчилик, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, сайёҳлик, улгуржи савдо ва хизмат кўрсатиш каби соҳаларга ихтисослаштирилган. Мамлакатимизда Ҳиндистоннинг йигирмага яқин етакчи фирма ва компанияси ўз ваколатхонасини очган.

— Ўзбекистон улкан иқтисодий салоҳиятга эга мамлакат, — деди Ҳиндистон фармацевтика маҳсулотлари экспортини ривожлантириш кенгашининг минтақавий директори Абхай Кумар Синҳа. — Мамлакатингизда барча соҳалар қатори фармацевтика саноати ҳам жадал ривожланмоқда. Ушбу ташрифдан мақсадимиз Ўзбекистон фармацевтика компаниялари вакиллари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш, соҳага оид вазирлик ва идоралар, фирма ва компаниялар вакиллари ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни ривожлантиришдир.

Форумда ҳиндистонлик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб этишнинг муҳим йўналишлари ҳақида маълумот берилди. Меҳмонлар юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар, мамлакатимиздаги махсус индустриал зоналарда сармоядорлар учун яратилган қулайлик ва имкониятлар билан таништирилди.

Анжуманда икки мамлакат ўртасида фармацевтика соҳасидаги алоқаларни янада фаоллаштириш орқали савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш, Ҳиндистон компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар муҳокама қилинди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари, Ҳиндистон ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперация биржа ўтказилди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» IX МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

**Диққат, танлов!**



Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида "Олтин қалам" IX Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказади.

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган ушбу танловга 2013 йилнинг 31 мартидан 2014 йилнинг 31 мартигача — бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2014 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

**Журналистика соҳасида бош миллий мукофот**. Ғолиб махсус диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баравари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

**Асосий мукофотлар:**

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма ОАВ — 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика — 1, 2, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баравари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баравари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баравари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

"Олтин қалам" танлови ғолибларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида амалга оширилади.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ва республикамиздаги жамоат ташкилотлари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловга теле, радио, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари асл нусхада ёки кўчирма нусхада тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилиниши лозим:

— муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;

— муаллифнинг тураржойи, уй ва иш телефонлари;

— паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини тантанали мукофотлаш маросими 2014 йил 2 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги куни арафасида "Туркистон" саройида ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар "Олтин қалам" танловига", деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

**Ўзбекистон Республикаси, 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси 3-қават, 30, 35-хоналар.**
**Телефонлар: (8-371) 244-64-61; 244-37-87.**
**www.journalist.uz**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Александр ДАНИЛОВ, “Fitch Ratings” халқаро рейтинг агентлиги Бош директори, Роман КОРНЕВ, шу агентликнинг Биринчи таҳлилчиси:**

— Ўзбекистон банк тизимининг барқарор ишлаши кўп жиҳатдан банк раҳбариятининг оқилона юритаётган сиёсатига боғлиқдир. Чунки мамлакатингиздаги тижорат банкларининг самарали фаолият кўрсатиши Марказий банк томонидан тизимли равишда назорат функцияси тўлақонли бажарилаётганидан далолатдир. Мен юртингиз тижорат банкларида олиб борилаётган тадбиркорликни рағбатлантириш борасида яратилган имтиёз ва преференциялар, янги бизнес бошлашнинг сир-асрорлари ҳақида мутахассислар батафсил тушунтириш беришди. Кўпчилик ёшларга имтиёзли кредитлар олиш ҳуқуқини тақдим этувчи сертификатлар топширилди. Эртага, албатта, бунинг ижобати бўладики, бундан биз жудаям хурсандмиз.

Банклар томонидан ажратилаётган кредитлар вилоятимиз аҳолисини иш билан таъминлаётгани, уларнинг дастурхони тўкинлигига хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир. Бугун қайси бир банкка борсангиз, унинг биноси мижозлар билан гавжум. Бу — халқимизнинг банкларга бизнеснинг равнақисиз тасаввур этиш қийин. Негаки, мазкур соҳа оилавий даромад манбаи, фаровон турмуш кафолати бўлиб, эндиликда у кирмаган жабҳа қолмади хисоб. Шу боис мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, унинг самарали фаолият юритиши учун барча шарт-шароит яратиб берилмоқда. Сабаби, ушбу соҳанинг тараққиёти, энг аввало, аҳолини иш билан таъминлашдек ўта муҳим вазифани ижобий ҳал этишга ёрдам берса, қолаверса, ички бозорни импорт ўрнини босадиган, экспортбоп маҳсулотлар билан тўлдиришга хизмат қилади.

ўзлаштириш ниятида бизнес-режамни тузиб, “Трастбанк”нинг Термиз филиалига мурожаат қилдим. Қисқа муддат ичида ҳеч бир муаммосиз банкдан 350 миллион сўмлик кредит олдим. Чунки банкка ариза, бизнес-лойиҳа ва таъминот гаровини тақдим этдим, холос.

Бу маблағ ҳисобидан эса, Хитой Халқ Республикасидан зарур асбоб-ускуналарни сотиб олдим. Айни пайтда кичик корхонамиз тўла қувват билан ишламоқда, кунига икки тонна ўн икки турдаги вафли тайёрлаяпмиз. Жамоамизда эса 20 нафар ишчи меҳнат қилмоқда.

Мен ўз вақтида “Трастбанк”ка мурожаат қилганимдан жуда хурсандман. Нега деганда, ишлаб

**Машкура РАЗЗОҚОВА, тадбиркор (Тошкент шаҳри):**

— Икки йилдирки, бизнес билан машғулман. Тадбиркор хотин-қизлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш йўлида яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, “Invest Finance Bank”дан кредит олган эдим. Бу маблағ эвазига мамлакатимизда ишлаб чиқарилган чинни буюмлар ва сирланган идишлар савдосини йўлга қўйдим. Натижада оиламизнинг турмуш фаровонлиги ошди, фарзандларимизнинг пухта билим олиши учун етарли шарт-шароитлар яратилди.

Шуни алоҳида эътироф этишни истардимки, ушбу банкда мижозларга хизмат кўрсатиш ма-

# Банк тизими:
# ЭЪТИРОФ ВА ИШОНЧ

ишлар билан чуқур танишдим. Ўрганиш жараёнида банк ходимларининг касб, одоб-ахлоқ кодексларига тўла риоя этиши, мижозлар билан яқин ҳамкорликда ишлаётгани, аҳоли, ёш тадбиркор ва ишбилармонлар учун қулай ишбилармонлик муҳити яратилганлигига гувоҳ бўлдик. Албатта, бизнинг рейтинг компаниямиз буларни холисона ўрганиб чиқиб, қилинган ишлар бўйича рейтинг баҳосини беради.

Шу нуқтаи назардан, бир ташкилотнинг ана шундай рейтинг баҳоларини беришдан олдин унинг фаолияти тўлиқ ўрганиб чиқилади. Пухта ўргангандан сўнг унинг фаолияти бўйича тегишли мезонлар асосида баҳо берилади.

Худди шу тарзда бошқа давлатларнинг тижорат банклари фаолиятини ҳам ўрганиб, унинг натижалари бўйича рейтинг баҳоларини бериб бораяпмиз.

Шундан келиб чиқиб, бугунги Ўзбекистон банк тизими қисқа фурсат ичида изчил ривожланиб бораётганини алоҳида эътироф этишимиз мумкин. Чунки банк тизимининг ютуғи, бу — аҳолининг ишончи ортиб бораётганидадир. Яна шуни эътироф этиш жоизки, бошқа давлатларнинг тижорат банклари билан Ўзбекистон банк тизимини солиштирганда, юртингиз банкларида катта устуворлик бор, деб ўйлайман. Сабаби, давлатингиз раҳбари томонидан банк тизимини ривожлантириш борасида қабул қилинган фармон ва қарорлар, дастурлар бу борада эришилаётган ютуқларнинг асосий омили бўлмоқда.

Тижорат банкларидан тадбиркор ва ишбилармонлар етарли миқдорда кредитлар олиши, мамлакатингизда юзлаб замонавий ишлаб чиқариш объектларининг ишга тушиши, минглаб фуқаролар иш ўринларига эга бўлаётгани банклар томонидан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг нечоғли юксак самара бераётганига яққол мисолдир.

— Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ана шундай салмоқли ютуқлар натижасида компаниямиз Ўзбекистон банк тизимига кетма-кет тўртинчи йил “барқарор” рейтинг баҳосини бергани, ўйлайманки, банк тизимининг бундан кейин ҳам юксалиб боришига ишончимиз комиллигини тасдиқлайди.

**Азим ЛАТИПОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони (Бухоро вилояти):**

— Вилоятимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, хусусан, коллежлар битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг бошқаруви томонидан катта аҳамият қаратилмоқда.

Марказий банк томонидан биргина 2013 йил давомида ҳудудимиз аҳолиси, тадбиркорлари, ёшлари, фермерлари ўртасида учрашувлар ўтказилиб, ҳатто олис туманларимиздаги маҳаллаларда яшовчи ишбилармонларга ҳам амалий ёрдам берилди. Эътиборлиси шуки, ана шу учрашувлар Марказий банк ташаббуси билан Бош прокуратура, “Камолот” ЁИҲ, Савдо-саноат палатаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги мутасадди ходимлари билан биргаликда ташкил этилаётгани катта самара бермоқда. Уларда ўзим ҳам қатнашдим. бўлган ишончи ортиб бораётганидан нишона. Зеро, ҳозирги кунда иқтисодиётимизни банкларсиз тасаввур этиш қийин. Тадбиркорлик соҳасими ёки аграр соҳами — барчасида банкларнинг ўрни мустаҳкамланиб бормоқда.

Банкларимизнинг ресурс базаси етарлидир. Вилоятимизда барча тадбиркорларимиз ҳеч бир муаммосиз кредитлар олишмоқда. Шу ўринда айтиб ўтмоқчиманки, Марказий банк томонидан тадбиркорларни кредитлаш бўйича ишлаб чиқилган тартиблар анча соддалаштирилганлиги жудаям қўл келмоқда. Банклардан ташқари, маҳаллаларимизнинг биноларида ҳам кредит олишнинг тартиб-қоидалари кўрсатиб қўйилган.

Аёнки, банклар кредит беришга тайёр, албатта. Лекин кредит беришнинг ҳам ўзига хос тамойили борлигини, олинган кредитдан тўғри фойдаланиб, ўз вақтида банкка қайтаришимизни, ундан бошқа бир тадбиркор ҳам фойдаланишини эсдан чиқармаслигимиз даркор. Бугун банк кредитларидан самарали фойдаланиб, юртдошларимиз ҳақиқий тадбиркор, яъни мулкдор бўлмоқда. Мамлакатимизда республика Марказий банки етакчилигида ана шундай тизим барқарор фаолият кўрсатиши халқимизнинг фаровон ҳаёт кечиришидан далолатдир.

**Манзурахон ФАЙЗИМАТОВА, Фарғона вилояти, Олтиариқ туманидаги «Манзурабегим Салтанати» хусусий корхонаси раҳбари:**

— Мен шифокор сифатида кўп йиллардан буён оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш, аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш ишларига баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келмоқдаман. Муҳтарам Президентимизнинг қишлоқ ҳудудларида яшовчи аҳолининг яшаш ва дам олиш шароитларини яхшилаш борасидаги ташаббуслари, намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларининг қурилиши борасида олиб бораётган оқилона сиёсатларидан таъсирланган ҳолда, ушбу бунёдкорлик ишларига мен ҳам ўз ҳиссамни қўшишга қарор қилдим.

“Манзурабегим Салтанати” хусусий корхонамиз негизида 2013 йилда туманимизнинг Тинчлик шаҳарчаси ҳудудида “Қишлок қурилиш банк”нинг Марғилон филиалидан олинган 45 миллион сўмлик кредит эвазига “Соғлом аёл маркази” мажмуасини қуриб битказдик. Навбатдаги 20 миллион сўмлик кредит ҳисобидан эса ушбу марказни замонавий ускуналар билан жиҳозладик. Шу кунларда марказдаги “Тренажёр зали”, “Келинлар либослари салони”, “Гўзаллик салони”, “Массаж хонаси” аёлларимиз хизматида. Хусусий корхонамиз ишга тушгач, 6 нафар йигит-қиз доимий иш билан таъминланди.

Соғлом бола йилида эса жамоамиз билан янги режалар тузиб, қўшимча равишда тикувчилик цехи ва сув ҳавзаси барпо этишни кўзлаб турибмиз. Бу борада ҳам яна банкнинг молиявий кўмагига таянамиз.

**Муҳаммаджон АРИПОВ, «BIO SUT» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси раҳбари (Тошкент вилояти):**

— Бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизни кичик

Корхонамиз фаолияти бундан 14 йил аввал йўлга қўйилган эди. Ўшанда беш нафар ишчи билан 4-5 турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарганмиз. Ҳозир бу ерда 30 киши меҳнат қилаяпти. Маҳсулотларимиз тури эса 40 тага яқинлашиб қолди. Тўғри, дастлабки йилларда иқтисодий қийинчиликларга ҳам дуч келдик. Ана шундай шароитда “Ўзсаноатқурилишбанк” билан ҳамкорлик ўрнатганимиз туфайли муаммоларни ўз вақтида бартараф этиб, ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлашга эришдик. Гап шундаки, бунда “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг 234 минг АҚШ доллари миқдоридаги кредити муҳим омил бўлди.

Очиғини айтиш керак, ҳалиҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида банкларнинг барқарор ва ишончли фаолият кўрсатиши осон иш эмас. Бундай пайтда ишни тўғри ташкил қила билиш, мижозларга доимо сифатли, тезкор хизмат кўрсатиш, ўзига хос иш услуби ва маданиятига эга бўлиш тақозо этилади. “Ўзсаноатқурилишбанк” жамоасининг ана шу тамойиллар асосида фаолият кўрсатаётгани биз, тадбиркорларнинг самарали ишлашимизда қўл келмоқда.

**Феруза ЖЎРАЕВА, Сирдарё вилояти, Боёвут туманидаги «Шабнам нурли замин» фермер хўжалиги раҳбари:**

— Коллежда ўқиб юрган кезларимда, республика Марказий банки томонидан мамлакатимизнинг ҳудудларида ўтказилаётган учрашувларда имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатларга эга бўлган ёшларнинг ўз бизнесларини ташкил этиб, катта муваффақиятларга эришаётганларини телевизор орқали кўриб, чин дилдан ҳавас қилар эдим. Ана шу иштиёқ ва ҳавас туфайли коллежни битирганимдан сўнг, банкнинг имтиёзли сертификатини қўлга киритдим. Дастлаб фермер хўжалиги ташкил этдим. Марказий банкнинг амалий ёрдами билан “Агробанк”нинг 20 миллион сўмлик имтиёзли кредитини олиб, фаолиятимни бошладим.

“Бизнеснинг катта-кичиги бўлмайди”, деганларидек, яхши ният билан бошланган иш тез орада ўз мевасини берди. Ҳозир 60 гектар майдонда пахта ва ғалла етиштириш билан бирга, чорвачилик билан ҳам шуғулланаяпмиз.

Меҳнат қилган элда азиз, дейди донолар. Шу маънода, давлатимиз раҳбари томонидан 2012 йилда “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони, ўтган йили эса “Шуҳрат” медалига сазовор бўлганим менинг қалбимни ғурур ва ифтихорга тўлдирди. Бунинг замирида, энг аввало, Президентимизнинг биз, ёшларга бўлган юксак ишончи, қолаверса, республика Марказий банкининг ғамхўрлиги мужассам. Бу “Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун” тамойили ҳаётда ўз тасдиғини тўла топаётганида ҳам акс этади.

**Боймурод ТЎХЛИЕВ, «Surxondaryo Savdo Impeks» ОАЖ директори:**

— Фаолиятимни бошлаганимда, мен оилавий тадбиркор сифатида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларининг улгуржи ҳамда чакана савдоси билан шуғулланардим. Ўтган йили вафли маҳсулоти ишлаб чиқаришни чиқаришни йўлга қўйганимиздан сўнг оиламиз даромади ошди, ҳатто хайрия тадбирларида иштирок этиш имконига ҳам эга бўлдик. Бунинг учун банк ходимларига раҳмат!

**Рашида ЁДГОРОВА, Жиззах вилояти, Арнасой туманидаги “Сангзор” фермер хўжалиги раҳбари:**

— Фермерларнинг фаолият турлари йил сайин кўпайиб, улар чорвачилик, паррандачилик, полиз ва сабзавот маҳсулотлари, мева етиштиришни кўпайтиришга, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, ҳосилдорликни оширишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Айниқса, ишлаб чиқаришда ҳам фермерларнинг ҳиссаси ошиб бораётгани қувонарлидир. Биз ҳам халқимиз дастурхонини арзон гўшт ва сут маҳсулотлари билан тўлдириш мақсадида фарзандларимиз билан маслаҳатлашиб, чорвачиликни ривожлантиришга аҳд қилдик. “Асака” банкининг Жиззах вилояти филиали томонидан тез фурсатда зарур миқдордаги кредит маблағи ажратиб берилгач, қорамоллар наслини яхшилаш, кўпайтириш ва янги иш ўринлари барпо этишга эришдик.

Аниқроқ айтганда, банк кредитлари ҳисобидан 2013 йилнинг бошида Украинадан 66 бош зотдор қорамол олиб келдик. Бу — йилига ўртача 500 миллион сўмлик юқори сифатли сут маҳсулотлари етиштириш учун имкон. Айни пайтда жамоамизда 11 киши доимий иш билан банд. Улардан 5 нафари касб-ҳунар коллежи битирувчисидир.

Келгусида эса сутни қайта ишлаш линияларини харид қилиш ва халқимиз дастурхонини янада тўкин қилиш ниятидамиз. Бунинг натижасида иш ўринлари сони 20 тага кўпайиб, шунча ёш иш билан таъминланади. Албатта, бу борада ҳам “Асака” банки бизнинг яқин ва ишончли ҳамкоримиз, доимий мададкоримиз бўлиб қолади.

**Ибодулла НОРҚЎЗИЕВ, “Ҳунарманд” уюшмаси Ховос тумани бўлими раҳбари:**

— Чиндан ҳам, мамлакатимизда халқимиз турмуш шароитини яхшилаш, фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш учун давлатимиз томонидан кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, қўли гул ҳунармандларнинг қўллаб-қувватланаётганлиги уларга фаолият турларини янада кенгайтириш имкониятини яратмоқда. Ҳунармандларимизга тижорат банклари томонидан берилаётган кўмак эса нур устига аъло нур бўлаётир. Бу борада, айниқса, “Микрокредитбанк” ОАТБнинг алоҳида ўрни борлигини қайд этиш лозим.

Дарҳақиқат, бугун ушбу банкнинг молиявий ёрдами туфайли туманимизда кўплаб усталар анъанавий тармоқнинг кийим-кечак ва бош кийимлар тикиш, миллий қўғирчоқлар ясаш, гилам тўқиш, кулоллик, қуроқчилик сингари кенг тарқалган йўналишларида фаолият юритмоқда. Уларнинг асосий қисми уюшмамиз аъзоларидир.

Оилавий тадбиркорларимизнинг иши ҳам ёмон эмас. Улар ҳам биз билан ҳамкорликда қишлоқларда янги ишлаб чиқариш объектлари қуриб, маҳаллий аҳоли, айниқса, ёшларни иш билан таъминламоқдалар.

данияти юқори. Ҳар бир саволимизга билимли, хушмуомала мутахассислардан батафсил жавоб оламиз. Шунинг учун ўғлим ҳам айни шу молия муассасасининг доимий мижозига айланди: унинг кредити ҳисобидан сопол идиш ва стол лампаларини ишлаб чиқарувчи кичик корхонани ташкил этди. Ўғлимнинг галдаги мақсади иш кўламини бундан-да кенгайтириб, маҳалламиз аҳолисига қўшимча иш ўринларини яратишдир.

**Жонимқул ХЎЖАМҚУЛОВ, “Шарбат” хусусий корхонаси раҳбари (Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани):**

— Эътироф этиш керак, бугун мамлакатимизда тадбиркорлар учун барча қулайликлар мавжуд. Айниқса, банклар томонидан яратиб берилаётган кенг имкониятлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Мисол учун, биз Халқ банкининг 35 миллион сўмлик кредитини мақсадли йўналтириш туфайли нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ҳамда минерал сув қадоқлайдиган корхонани ишга туширдик. Ҳозир мижозларга 7 турдаги маҳсулотни етказиб бераяпмиз. Жамоамизда 15 га яқин янги иш ўринлари яратилган.

**Давлат АМИНОВ, “Хонқа-паррандачилик” МЧЖ раҳбари. (Хоразм вилояти):**

— Қаранг, тадбиркорларимиз дунёни кезаяпти. Мен ҳам яқинда улар билан биргаликда Европанинг бир қатор давлатларида бўлдим. У ердаги кўплаб фирмалар фаолияти билан танишдим. Энг муҳими, замонавий технологиялар сотиб олиш бўйича келишувга эришдик.

Ҳозирги кунда бизнинг жамиятимизда 50 нафарга яқин киши меҳнат қилаяпти. Аҳил жамоамиз ўзлари учун яратилган имкониятлардан унумли фойдаланишга интилмоқда. Сир эмас, маҳсулотимизнинг сифатли ва арзон бўлиши учун кам ишчи кучини талаб этадиган, замонавий илм-фан ютуқларини ўзида мужассамлаштирган илғор технологик линия зарур эди. Шу мақсадда Германиянинг “Big Dutchman international GmbH” корхонаси билан шартнома туздик. Маблағ масаласида эса энг яқин ҳамкоримиз —“Ўзсаноатқурилишбанк”нинг Хоразм вилояти минтақавий филиали катта ёрдам берди. Пировардида товуқ ва жўжа боқишга мўлжалланган замонавий линияларни келтириб, янги корхонага асос солдик. Натижада 45 кишини иш билан таъминлаш баробарида, 2013 йилда 32 миллион дона тухум ва 80 тоннадан зиёд парҳез гўшт етиштирдик.

Жорий йилда эса омихта ем ишлаб чиқариш заводини ишга тушириш ниятидамиз. Бунинг учун яна “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг 3 миллион 260 минг евро миқдоридаги кредитини олиб, унга Швейцариянинг замонавий технологияларини харид қилдик. Бу лойиҳамиз рўёбга чиққач, шубҳасиз, харидорларимиз сафи янада кенгайиб, қўшимча иш ўринлари очилади. “Ўзсаноатқурилишбанк”дек ишончли молиявий ҳамкоримиз бор экан, эзгу ниятимиз ушалади, албатта.

**Марказий банк материаллари асосида «Халқ сўзи» мухбири Икром ЎТБОСАРОВ тайёрлади.**

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Жорий йилнинг январь ойида АҚШда 113 мингта янги иш ўрни яратилди, дейилади “Евроньюс” телеканали хабарида.*

### Сезиларли ўзгаришлар



Бу кўрсаткич ўтган йилнинг декабрь ойидаги кўрсаткичга нисбатан сезиларли даражада юқори. Чунки 2013 йил сўнгида мамлакатда 75 мингта иш жойи ташкил этилган эди. Айни пайтда АҚШда умумий ишсизлик даражаси 6,6 фоизга тенг. Бу ҳам сўнгги беш йил ичидаги энг паст натижа сифатида эътироф этилаяпти.

Январь ойида аҳоли бандлигини таъминлашда қурилиш соҳаси муҳим ўрин тутди.

### Аввал даъво қилди, кейин...

*Финляндиянинг “Nokia” ва Хитойнинг “hTC” компаниялари бундан буён ҳамкорликда фаолият олиб боради.*



Гап шундаки, Европа вакили ўзининг интеллектуал мулкидан фойдаланиш учун “hTC”га рухсат берди. Бунинг эвазига қанча миқдорда маблағ олиши ҳақида аниқ маълумот йўқ.

Қизиқ жиҳати, бир оз олдин фин компанияси технологияларидан рухсатсиз фойдалангани учун айнан “hTC”ни судга берган эди. Мазкур иш Германия судида кўриб чиқилгач, даъво асосли, деб топилди. Ҳукм эълон қилинганидан икки кун ўтиб эса, уларнинг ҳамкорликда фаолият юритиши ҳақида хабарлар тарқатилди.

Ўзаро келишувга кўра, келгусида мазкур компаниялар нафақат бир-бирининг технологияларидан фойдаланади, балки биргаликда смартфонлар ҳам ишлаб чиқаради.

### Интернетдаги дўконлари ёпилади

*Япониянинг “Sony” компанияси АҚШ ва Канадада ўзининг интернет китоб дўконларини ёпишни режалаштирмоқда.*



Бу иш компания фаолиятини қайта ташкил этиш жараёнида амалга оширилади. Манбага қараганда, Канадада “Sony”нинг ушбу бизнесини маҳаллий “Kobo” сервиси давом эттириши мумкин. Чунки уларга глобал тармоққа жойлаштирилган асарларни жорий йилнинг 30 апрелига қадар кўчириб олиш билдирилган.

Бундан ташқари, “Sony” яқин келажакда ходимлари сонини беш мингтага қисқартиришни режалаштирган.

### Кўчки оқибати

*Боливиянинг Чуйпакаса-Чико аҳоли яшаш пунктида юз берган кўчки оқибатида уч киши ҳаётдан кўз юмди.*



Ўн бир нафар одам бедарак йўқолган, деб ҳисобланмоқда. Табиий офат бир неча сутка давомида тинимсиз ёққан ёмғир туфайли келиб чиққан. Аҳоли яшаш пунктининг қарийб 90 фоиз ҳудуди жиддий зарар кўрган.

Ноқулай об-ҳаво шароити сақланиб тургани боис қутқарув-қидирув ишлари мураккаб кечмоқда. Шунга қарамай, уч кишининг ҳаёти сақлаб қолинган.

### Мухлисларга ҳужум

*Бразилия миллий чемпионати доирасида “Америка” ва “Санта Крус” клублари ўртасида ўтказилган ўйин нохуш воқеа билан якунланди.*



Хорижий оммавий ахборот воситаларида тарқатилган хабарларга қараганда, баҳс тугагач мазкур учрашув ўтказилган “Арена-дас-Дунас”га келган мухлислар икки нафар номаълум шахс томонидан ўққа тутилган. Натижада уч киши жароҳатланган. Қурбонлар йўқ. Бу нима мақсадда амалга оширилгани маълум эмас. Текширув ишлари олиб борилмоқда.

Хабарингиз бор, жорий йил ёзида футбол бўйича Бразилияда навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Мундиал баҳслари ташкил этиладиган стадионлар рўйхатига “Арена-дас-Дунас” ҳам киритилган. Унда гуруҳ босқичи доирасида Мексика — Камерун, Гана — АҚШ, Япония — Греция ҳамда Италия — Уругвай терма жамоалари ўртасидаги учрашувларни ўтказиш кўзда тутилган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

МУТОЛАА

# «ФАРЗАНДЛАРИМНИ ҒАЗАЛ ЎҚИБ ТАРБИЯЛАЙМАН»

*Истиқлол — улуғ неъмат. Унинг нурафшон ёғдуси қалбимиз, руҳиятимизни чароғон этган бўлса, бунёдкорлик ғояси иш тутумимиз, кундалик ҳаётимизга бутунлай янгиликлар киритди. Бу янгилик нафақат яшаш тарзини, шу билан бирга, фарзанд тарбиялашнинг ҳам ўзига хос услубини амалга татбиқ этаётган оилалар тимсолида кўзга ташланаяпти.*

Гап шундаки, мақолага сарлавҳа ўрнида қўйилган ибора Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманида яшовчи Шарифа Алибоевага тегишли. Оддийгина уй бекаси, камтар-камсуқум бу аёлнинг эътирофи этишича, у ҳазрат Алишер Навоийнинг икки юзга яқин ғазалини ёддан билар экан.

Дарвоқе, мамлакатимизда буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 573 йиллиги кенг нишонланаётган шу муаззам кунларда Шарифа Алибоева Сариосиё туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг 8-синфида ўқийдиган ўғли Самандар Раҳмонов ҳамда шу мактабнинг 1-синфида ўқийдиган қизалоғи Шаҳзода Раҳмонова билан биргаликда таҳририятимиз меҳмони бўлишди.

— Болалигимдан шеъру ғазал айтишга иштиёқим баланд эди, — дейди Шарифа опа биз билан суҳбатда. — Шу боис мумтоз адабиётимиздан кўплаб ғазаллар ёд олганман. Уларнинг маъно-мазмунини чақишга интиламан, бундан хулоса чиқарган ҳолда, оила, рўзғор ишларига ёндашиб келаман. Айниқса, Навоийнинг асарлари жону дилим. Бўш қолдим дегунча ҳазратнинг битикларига мурожаат қиламан. Ўтган йили болаларимнинг отаси туғилган кунимда Алишер Навоий асарларининг ўн томлигини туҳфа этганларида бошим осмонга етди.

— Биз пойтахтга Навоий таваллудининг 573 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тадбирларда қатнашиш учун келдик, — дея суҳбатга қўшилади Сариосиё туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, ака-сингил — Самандар ва Шаҳзодага она тили ва адабиёт фанидан сабоқ бериб келаётган ўқитувчи Гулноз Бердиева. — Бу тадбирларда шогирдларим Навоий ғазалларидан ўқиб беришади.

Суҳбат асносида маълум бўлдики, Самандар оилада иккинчи фарзанд экан. Тўнғич фарзанд — коллеж ўқувчиси Шоҳсанам ҳам Алишер Навоийнинг етмишта ғазалини ёддан айта олади. Самандар эса мутафаккир шоирнинг элликдан ортиқ, унинг синглиси қирқдан зиёд ғазалларини билишади. Эзгу ташаббус билан 2010 йилдан бери туман миқёсида ўтказилиб келинаётган “Бир кишига етмиш ғазал” номли ўзига хос танловнинг уч йилдан бери мутлақ ғолиби ҳам ана шу ака-сингиллар эканки, буни эшитиб, рости, ҳайратландик.

— Донишмандларнинг “Фарзандни гўдаклигиданоқ, ҳатто, дунёга келмасдан тарбияни бошлаш керак”, деган ҳикматлари бежиз эмас, — дейди Шарифа опа. — Қолаверса, ота-онанинг дунёқараши, бир-бирига нисбатан ўзаро меҳр-оқибат билан муносабат кўрсатишлари оила мустаҳкамлигига қанчалик ижобий таъсир қилса, фарзандларнинг одоб-ахлоқли, заковатли бўлиб камол топишларида ҳам шунчалик аҳамиятга эга. Мен бу ҳақиқатга ўз ҳаётим мисолида шоҳид бўлдим. Яъни фарзандларимни мурғаклигида бешикка белар эканман, Алишер Навоийнинг ғазалларини алла оҳангида ўқиб, бешик тебратардим. Бу одатимни улар улғайгач ҳам канда қилмадим: ўғил-қизларимга ғазал ўқиб беришдан асло эринмадим. Шунинг учун бўлса керак, оиламизда ҳамма адабиётга, шеъриятга ихлосманд. Гарчи турмуш ўртоғим ҳам оддий касб эгаси бўлсада, маҳалламизда, бизга яқин ён-атрофда у кишига етадиган ғазалхон йўқ.

Аслида болалигимда уйимизга қишлоғимиз кексалари, зиёлилари йиғилишиб, адабиёт, санъат ҳақида суҳбат қуришарди. Бири-биридан таъсирчан гаплар, ўткир мушоҳадалар мени ўзига ром этарди. Айниқса, ғазал ўқилганда, ундаги гўзал мисралар онгу шууримга тез сингарди. Бора-бора бетакрор мисраларни ёдлайдиган, уларни мутолаа қиладиган бўлдим. Бу “одатим” болаларимга ҳам “юқди”.

Очиғи, уй бекасининг фикрларини тинглаб ҳайратландик. Кўнглимиздан: “Наҳотки, шу болалар элликка яқин ғазални ёддан билса-я”, деган иштибоҳ-гумон ҳам ўтди. Ишонмаётганимизни сезди, шекилли, Самандар қироат билан ғазал ўқий бошлади:

*Кеча келгумдир дебон ул сарви гулру келмади,*
*Кўзларимга кеча тонг отгунча уйқу келмади...*

Ундан кейин Шаҳзода бошлади:

*Очмағай эрдинг жамолинг олам аро кошки,*
*Солмағай эрдинг бори оламда ғавғо кошки...*

Синглиси завқ ила ўқиётган ашъорнинг охирига етаётганини билиб, Самандар навбатдаги дурдоналардан ўқийди:

*Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,*
*Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.*
*Ҳар неники севмак ондин ортиқ бўлмас,*
*Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.*

Рубоийни ўқиб бўлгач, Самандар майин овозда ҳазрат Алишер Навоийнинг “Тун оқшом келди кулбам сори ул гулру шитоб айлаб”, деб бошланувчи, кўплаб ҳофизларимиз томонидан маҳорат ила ижро этилган ғазалини хониш қилади. Хонишки, тинглаган киши руҳиятини ажиб сокинлик эгаллайди.

“Навоийхон оила”. Беихтиёр илму маърифатга ошно тутинган бу оилани шундай атагимиз келади. Ва қалбимизнинг туб-тубида уларга нисбатан ҳавас уйғонади. Зеро, алломаларимиз илму зиёни келажак йўлини ёритувчи маёқ, дея таърифлаганларки, биз бу ҳикматнинг исботини бугун жамиятимизда рўй бераётган улуғвор islo-ҳотларнинг илдизи маънавий мустаҳкам эканлигидан ҳам кўриб, билиб, сезиб турибмиз. Бинобарин, юртимизда Президентимизнинг ҳаётга дадил қадамлар билан кириб келаётган ёшларга, навқирон авлодга кўрсатаётган беқиёс ғамхўрлиги туфайли маънавий тўкис оилалар сафи кенгаймоқда. Бундай оилаларда Самандар ва Шаҳзодага ўхшаган минглаб фарзандлар камолга етмоқда.

Уларнинг нияти эзгу, мақсади аниқ: шу азиз Ватанга муносиб фарзанд бўлиш, эл-юрт корига яраш, Президентимизнинг эъзоз ва ишончини оқлаш. Шубҳа йўққи, улар бундай беғубор орзу-умидларига эришадилар. Зотан, бунинг учун уларга шарт-шароитлар яратилган. Бундай ғамхўрликдан қувонган фарзандларимиз эса Навоийни англашга уринаяпти, тинч ва осуда ҳаётимизнинг бебаҳо неъмат эканлигини тушуниб етаяпти, бобокалонлари интилган, истаган, аммо етолмаган шу бугунги озод Ватан, мунаввар кунларни қадрлашга ўрганишаяпти.

Алишер Навоий ғазалларини берилиб айтаётган Самандар ва Шаҳзоданинг одоби, хушхулқидан дилимиз яйраб, умид уйғонадики, аждодлар ўгити, бугунги имконият ва имтиёзлар истиқлол фарзандларини комилликка ундайверади.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

# Мумтоз куйларимизнинг франциялик ижрочиси

*— Миллий мусиқамизнинг чет эллик ихлосмандлари, тадқиқотчилари билан учрашганингизда, халқимиз жуда бой маънавий меросга эгалигини янада чуқурроқ ҳис этасиз, — дейди Бухоро санъат коллежи директори ўринбосари Иброҳим Тўқлиев. — Яқинда ўқувчиларимиз ана шундай ҳаяжонли дамлар оғушида бўлдилар.*

САНЪАТ

Хусусан, мазкур билим даргоҳида Шарқ мусиқа санъатини меҳр билан ўрганаётган, афғон рубоби устида илмий тадқиқотлар олиб бораётган франциялик мусиқашунос Сильвэн Рой билан ижодий учрашув ташкил этилди.

Маълумки, ўтган асрнинг ўттизинчи йиллари охирида афғон рубобига юртимиз мусиқа фидойилари томонидан маълум бир янгиликлар киритилган, пардалари ўзгартирилган. У миллий мусиқамиз руҳига мослаштирилган. Сильвэн Ройни ушбу чолғу асбоби бениҳоя қизиқтириб қўйди. У Ўзбекистонга келиб, шу созда мумтоз куйларимизни чалиш ҳадисини олмоқда. Бухоро давлат университети мусиқа кафедраси билан ҳамкорликда ўтказилган учрашув чоғида Сильвэн Рой миллий куйларимизни рубобда маҳорат билан ижро қилди. Ўз навбатида, кечада коллеж ўқувчилари ижросида ўзбек миллий куй-қўшиқлари билан бир қаторда, Европанинг таниқли композиторлари басталаган асарлардан намуналар янгради.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ТАҚДИМОТ

*Алишер Навоий номидаги санъат саройида “Ўзбеккино” миллий агентлиги буюртмасига кўра, “Ўзбекфильм” киностудиясида суратга олинган “Қудуқ” бадиий фильмининг тақдимоти бўлиб ўтди.*

# Янги фильм намойиши

Мамлакатимизда мустақилликка эришилгунга қадар бўлган даврдаги қишлоқ аҳлининг ўта оғир ва мураккаб ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу асарда бош қаҳрамон Элмурод тимсолида ҳамқишлоқларига қудуқ қазиб, энг оғир юмушларни бажариб умрини ўтказаётган одамнинг ҳаётий қарашлари турли зиддиятли воқеалар воситасида томошабинга етказиб берилади.

Тўғрилик, ҳалоллик, лафз, орият, ҳамият, меҳнатсеварлик каби чин инсоний фазилатлар ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу фильм ёзувчи Ғофур Шермуҳаммад сценарийси асосида суратга олинган. Бош ролларни Муҳаммадисо Абдулхаиров, Лола Элтоева, Абдухалил Мингноров, Юлдуз Ҳамидова, Фарҳод Худойбердиев ижро этган.

**Гўзал РАҲМОНОВА.**


● Реклама ва эълонлар ●

«ЎЗБЕКИНВЕСТ» ЭКСПОРТ-ИМПОРТ МИЛЛИЙ СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ — 20 ЁШДА

«ЎЗБЕКИНВЕСТ» компанияси

«МИНГИНЧИ МИЖОЗ» акцияси бошланганлигини эълон қилади.

«Мингинчи мижоз» акцияси «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясининг 20 йиллик юбилейи муносабати билан уюштирилмоқда. Акция компаниянинг Суғурта маркази ҳамда ҳудудий филиалларида 2014 йил 1 февралдан 1 апрелгача бўлган давр ичида суғурта полисини сотиб олган жисмоний шахслардан иборат мижозлар ўртасида ташкил этилади.

Акцияда қуйидаги мукофотлар соврин сифатида ўйналади:

Биринчи мингинчи мижозга — LCD 42 дюймли плазма телевизори;



Биринчи беш юзинчи мижозга — Galaxy Note планшети;



Биринчи юзинчи мижозга — Galaxy S3 мобиль телефони.



Акция ғолибларига мукофотларни топшириш маросими 2014 йил апрель ойида, компаниянинг 20 йиллик юбилейи арафасида бўлиб ўтади.

«Мингинчи мижоз» акциясига қўшилинг!

Батафсил маълумотни (8-371) 235-94-27, 120-03-54 телефонлари ёки www.uzbekinvest.uz сайти орқали олиш мумкин.

189А/97



ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғояларини танлов асосида қабул қилади.

Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини (ТИА, бизнес-режа) ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.

**Танлов қуйидаги йўналишларда олиб борилади:** янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестициявий жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ҳамда материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи бошқа ғоялар қабул қилинади.

Фонд энг истиқболли ва жозибадор лойиҳаларни республика тижорат банклари кредит маблағлари ҳисобига молиялаштиришни ташкил этишга кўмаклашади.

Танловда лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:**

- ариза (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

Ҳужжатлар электрон шаклда ҳам қабул қилинади.

**Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08.**
**Web-site: www.ffpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com.**
**Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Қоратош кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси, 15-қават.**
**Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.**

188А/93



«Тошкент труба заводи» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харидорларга тақдим этади.

**Мисланган пайвандлаш сими**
СВ08Г2С, ГОСТ 2246-70,
∅ 0.8, 1.0, 1.2, 1.4, 1.6, 2.1, 2.5, 3.5, 4.0, 5.0,
баҳоси 1 тонна учун 5 500 000 сўмдан бошлаб.



**Тўқиладиган ва мих ишлаб чиқаришда қўлланиладиган сим,**
∅ 0.8, 1.0, 1.2, 1.4, 1.6, 2.1, 2.5, 3.5, 4.0, 5.0,
баҳоси 1 тонна учун 3 300 000 сўмдан бошлаб.



**Конструкцияда фойдаланиладиган профиллар, ўлчамлари:** 80х40х15, 100х40х15, 100х50х20, 120х60х20, 140х60х20, 160х70х20, 180х70х20, 200х70х20 ҳажмли, девор қалинлиги 2.0-4.0 мм., баҳоси 1 тонна учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.

*(нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)* МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

61R/956



Ҳурматли «ЎЗАГРОСУҒУРТА» ДАСК (ОАЖ) мижозлари!

«Ўзагросуғурта» ДАСК (ОАЖ) ходимлари ёки суғурта агентлари томонидан сизга нисбатан ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилса ёки шундай ҳолатлар гувоҳи бўлсангиз, шунингдек:

- даъво аризангизни ўз вақтида кўриб чиқилиши учун ҳамда суғурта товони тўлашда сиздан қонунда кўрсатилмаган ортиқча пул маблағи талаб қилинганда;
- суғурта товонини олишингиз учун қонунда кўрсатилмаган ҳужжатлар талаб этилганда;
- аризангизни кўриб чиқилиш муддати қонун билан белгиланган муддатда ва сизга маълум қилинмаган ҳолда асоссиз узайтирилганда;
- транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш суғурта турлари бўйича суғурта полисларини расмийлаштиришда суғурта мукофоти миқдори асоссиз равишда оширилиб ҳисобланганда ёки компаниянинг масъул ходимлари аралашуви зарур бўлган ҳолатларда қуйидаги телефон рақамларига мурожаат этишингизни сўраймиз:

— (+99871) 239-12-66
*суғурта товони тўлашдаги саволлар учун;*
— (+99871) 239-12-88, (+99871) 239-13-50
*суғурта полисларини расмийлаштиришдаги саволлар учун;*
— (+99871) 239-29-54, (+99871) 239-11-01
*(ишонч телефонлари);*
— (+99871) 200-95-95
*(мижозларга 24 соат давомида хизмат кўрсатиш) — барча саволлар бўйича.*

226А/112


Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти жамоаси профессор Улуғ Аҳмедов ва кимё фанлари номзоди Равшан Аҳмедовга волидаи муҳтарамаси

**ВАЗИРА аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоаси илмий ишлар бўйича проректор Гуландом Бакиевага волидаи муҳтарамаси

**ШАҲРИХОН аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 269. 140 317 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.50 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5